

Одамлар ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар.


Дени ДИДРО



Кўргонтепа туманидаги Ижтимоёт қишлоғида яшовчи болалар 620 ўринли янги мактаб биносига эга бўдилар. Янги бинода ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратиб берилди.

ҲАМКОРЛИКНИНГ УМРИ БОҚИЙ

Мамлакатлар раҳбарлари даражасида бўлиб ўтadиган узаро музокаралар натижалари ҳамма икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг қай йўсинда давом этаётгани белгиланган юксак омил бўлиб хизмат қилиб келган. Шу маънода Республика Президент Ислам Каримовнинг Жанубий Корея республикасига қилган 4-6 октябрь кунлари) ташрифи нафақат яқин кунларда, балки янги - XXI асрда Ўзбекистон - Корея ўртасида бўлажак узаро алоқаларга ҳам бир қадар ойдинлик киритди.



Ташрифдан қўзланган мақсадлар - асосан иқтисодий соҳадаги узаро шерикчилик истиқболларини кафолатловчи бир неча келишувлар, шартномалар тузиш ва уларни амалга ошириш режаларини бафуржа маслаҳатлашиб олиш эди. Асосан бу ишни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутиб келаётган икки томонлама ҳамкорликда фаолият кўрсатиб келаётган фирма ва компанияларни қўллаб-қувватлашга келишиб олинди. Жанубий Корея Президент Ким Дэ Жунг Ўзбекистон билан ҳамкорликда ишлаётган корейс компанияларига ўз мамлакат раҳбарияти томонидан имкон қадар ёрдам берилишини ва уларга алоҳида имтиёзлар жорий этилаётгани билдириди.

Ийлардаги самараси ва келажакда ундан қўлаётган натижалар хусусида тўхтади. Жумладан, Президентлар XXI асрда янги раҳбарлик шерикчилик тўғрисида қўшма баёнот қабул қилишди.

Маълумки, Жанубий-шарқий Осиёда сўнгги пайтда юз берган молиявий инқироз Корея Республикасига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Мамлакатдаги барча йирик корхоналар қаторида Ўзбекистон учун ҳамкорликда синашта бўлган ДЭУ корпорацияси ҳам шу боис анчагина зарар кўрди. Ўз-ўзидан маълумки, бу ҳол иккала томон ҳамкорлигида ҳам ўз аксини намойён этди. Шундан оғир бир вазиятда Президент Ис-

лам Каримов мамлакат ҳукумати ДЭУни биргаликда қўллаб-қувватлашга ундади. Бу билан, биргаликда тўзилган айрим лойиҳаларни, яъни «ЎзДЭУ авто» қўшма корхонасида «Нексия - 2» ва «Матиз» русумли автомобилларни

Сейлдаги учрашувларда ипакчилик бўйича ҳамкорлик хусусида ҳам келишиб олинди. Унга биндан Кореянинг «Ай - Ди - Эм» компанияси билан биргаликда «Ўзбек ипаги» уюшмасининг корхоналари замонавий техника билан жиҳозланади. Қиймати 15 миллион долларга тенг бўлган бу лойиҳага кўра, «Ай - Ди - Эм» қайта ишланган ипакни сотиш бўйича маркетинг ишлари билан шугулланади. Ушбу лойиҳа молиявий таъминотини зиммасига олган Корея Эксим-банки Ўзбекистонда лицей ва коллежларни ўқув жиҳозлари билан таъминлаш лойиҳаси учун ҳам 35 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратадиган бўлди. Ушбу лойиҳа мамлакатимиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини нафақат замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлашни, балки ушбу тур таълим муассасалари ўқитувчиларини хорижда ўқитиш, Ўзбекистонга чет эллик педагогларни таклиф этиш каби бир қанча амалий ишларни ҳам қамраб олади. Мамлакатимизда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»дек кенг қўламини, истиқболли режалар амалга оширилаётган бир паллада дуст мамлакатнинг бу хайрихолигини, албатта, иккала давлат ҳамкорлигининг умрбоқимлигиндан бир дарак деб баҳолаш мумкин.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ УКРАИНАГА ТАШРИФИ

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов расмий ташриф билан Украинага жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунгача Украинага уч бор сафар қилган эди. Ўзбекистон билан Украина ўртасида узоқ йиллик анъанага эга бўлган иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янги босқичга кўтаришда мазкур ташрифларнинг аҳамияти катта бўлди. Дарҳақиқат, мазкур ташрифлар давомида олиб борилган музокаралар,

имзоланган ҳужжатлар икки давлатни стратегик ҳамкорлар даражасига олиб чиқди.

Утган йили мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 300 миллион АҚШ долларига етди. Ўзбекистон Украинага пахта, рангли металл, газ, тамаки, томат, газлама каби қўллаб турдаги махсулотларни etkazиб бермоқда. Украинага юборилётган биргина газнинг ўзи утган йили 10 миллиард куб метрни ташкил қилди. Ўзбекистон ҳам, Украина ҳам самолётсозлик соҳасига эга давлатлардир. Бу соҳада ҳам

изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимиз раҳбарининг Украинага бу галги расмий ташрифи ҳам музокараларга бой бўлади. Ташриф давомида Президент Ислам Каримовнинг Украина Президентини Леонид Кучма билан учрашуви кўзда тутилган. Музокаралар якунида эса икки давлат ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши кўтилмоқда.

КИЕВ. ЎЗА махсус мухбири Бехзод Усмонов хабар қилади:

7 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримов расмий ташриф билан Украинага келди. Киевнинг Бориспол аэропортида давлатимиз раҳбарини Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко кутиб олди.

Марин саройида Ислам Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Украина Президентини Леонид Кучма Ўзбекистон раҳбарини самимий қарши олди. Ўзбекистон ва Украина Давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат давлат раҳбарлари фахрий қоролул сафи олдида ўтди.

Маросимдан сўнг Ислам Каримов билан Леонид Кучма ўртасида якма-якка суҳбат бўлиб ўтди. Президентлар икки мам-

лакат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш масалалари хусусида фикр алмашдилар.

Шундан кейин Ислам Каримов ва Леонид Кучма иштирокида икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлди. Унда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Музокаралардан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ва Украина Президентини Леонид Кучма икки давлат ўртасида барча соҳаларда стратегик ҳамкорликни мустақамлаш тўғрисидаги Баёнотни, Ўзбекистон билан Украина ўртасида 1999-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимини имзолашлар.

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Украина ташқи ишлар вазири Б.Тарасок Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги икки томонлама фуқаролик ҳолатларининг олдини олиш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақидаги Протоколга имзо чекидилар.

Куннинг иккинчи ярмида Ислам Каримов Украина Бош вазири Валерий Пустовойтенко қабул қилди. Суҳбат чоғида узаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида фикр алмашилди.

Шу кунги мамлакатимиз раҳбари Украина миллий телевидениесининг биринчи каналига интервью берди.

Оқшом Марин саройида Президент Ислам Каримов шарафига Украина Президентини номидан қабул маросими ўтказилди.

(ЎЗА)

JUMLADA JAHON

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси матбуотда эълон қилинди.

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги ва НАТО ҳамкорлигида Евроатлантика шериклик кенгашининг «Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик» халқаро конференцияси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган халқаро «Еш президентлар тақдирини» делегацияси аъзолари Ўзбекистон бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Куба тамаки корхоналари уюшмаси раиси Освальдо Энкарнасионнинг айтишича, 1999 - 2000 йилги мавсумда Кубада тамаки етиштириш суръати анча ўсиб, тамаки плантациялари 6500 гектарга кенгайди.

Европа сармоа банки Аргентинада электростанциялар қурилиши учун 70 миллион АҚШ доллари ажратадиган бўлди.

Туркия апелляция суди Курд ишчи партияси етакчиси Абдулла Ўжалонга нисбатан Анкара давлат хавфсизлиги суди томонидан чиқарилган олий жазо тўғрисидаги ҳукмини қайта кўриб чиқишга киришди.

Жамоатчилик фикрини ўрганувчи «Вокс попули» компанияси ўтказган сўров натижаларига кўра, Бразилия аҳолисининг қарийб ярми хусусийлаштиришга қарши.

Халқ таълими фаоллар ййгилиши 6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат мажлиси шаклида давом эттирилди. Унда Ўзбекистон ХТВ давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи Рустам Аҳлиддинов «Тошкент вилояти Қибрай тумани ва Андижон шаҳар халқ таълими бўлиmlарининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»да белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ташкилотчилик фаолиятлари тўғрисида»ги масала бўйича сўзга чиқди.

Сирасини айтганда, Тошкент вилоятининг Қибрай тумани ва Андижон шаҳар халқ таълими бўлиmlарининг фаолиятлари ўрганилганда, қатор ижобий ишлар амалга оширилганлиги аниқланди. Қонунлар, таълим тизимидаги янгиликлар моҳиятини халқ таълими ходимларига, ота-оналарга, ўқувчиларга, кенг жамоатчиликка etkazиш, уларни ислохотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, ўқитувчилар ижодкорлик қарорларини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнини методик жиҳатдан таъминлаш, илгор муаллимлар тажрибасини амалиёт-

га жорий этиш ва бошқа қатор йўналишдаги ишлар шулар жумласидандир. Шу ўринда табиий савол туғилади: республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам таълимнинг истиқбол режалари мавжудми? Умуман, республика бўйича аҳвол қандай? Ижро интизомига тўла риоя

қилинганми? Туманларда ишга муносабат ўзгарганими? Ҳайъат раиси Жўра Йўлдошев бу борадаги аҳвол тўғрисида кўнунчилик билан сўз юритди: Гап шундаки, айрим вилоятларнинг таълим бўйича кўрсаткичлари икки-учта туман ўқувчиларига ушлаб туришибди. Туман мутасаддилари ҳам текширувчиларга энг илгор мактаб, боғчаларни кўрсатиш билангина қияфояланмоқдалар. Ишлаётган ўқитувчиларга халақит беришдан бошқа нарса эмас бу. Суст ишлаётган таълим муассасалари кўздан негадир яширилади. Натижада улар хотиржамликка берилишиб, таълим-тарбияни ўз ҳолига ташлаб қўядилар.

Шу боисдан ҳам, Халқ таълими вазирлигида жойлардан хатлар келиши давом этмоқда. Хат муаллимлари ўрта бўйин раҳбарлари умуман ишлагаётгани, адолат таъминлаш бўлиб қолгани, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳаётга етарлича татбиқ этилмаётгани ҳақида ёзмоқдалар.

Чунончи, Қашқадарё вилоятининг Деҳқонobod, Чирокчи, Сурхондарё вилоятининг Узун, Шўрчи, Самарқанд вилоятининг Пастдаргом, Ургут туманлари ва Самарқанд шаҳридан, шунингдек, бошқа вилоятлардан ҳам ана шундай мазмундаги

муаллимларнинг билдираётган фикрларини тинглаш, эшитиш ўрнига уларга кўпол муомалада бўлишяпти. Фикримишча, тинглаш, эшитишни билмаган раҳбарлардан воз кечиш, уларнинг ўрнига ишчан, хар бир вазифани чуқур таҳлил қила оладиган, эшитиш жараёнида хулоса чиқара би-

ладиган, истиқбол режалари моҳиятини тўлиқ англайдиган инсонларни қўйишимиз керак. Келажакда хар бир вилоятда мониторинг марказлари ташкил этилади. Унда ҳамма туманлар, мактаблар кўрсаткичлари акс этади ва хар ким ўз баҳосини олади.

Мониторинг бошқармаси бошлигининг таъкидлашича, Қибрай туманида ҳам, Андижон шаҳрида ҳам халқ таълимининг турли йўналишларида ижобий ўзгаришлар мавжуд. Хар иккала халқ таълими бўлиmlарида қонунларда, Президентимизнинг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни во-яга etkazиш тўғрисида»ги

Фармонида, Ҳукумат қарорларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан 1998-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол режалари қабул қилинган ва босқичма-босқич ижро этилмоқда. Мазкур халқ таълими бўлиmlари томонидан педагоглар учун қайд этилган ҳукумат ҳужжатларининг моҳиятини ўрганиш ва ижросини таъминлаш бўйича ташкил этилган ўқув семинарлари аҳамияти эътиборга моликдир.

Таълим тизимини ислох қилиш билан боғлиқ қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорлари моҳиятини, уларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш механизmlарини нечоғлиқ билишларини аниқлаш мақсадида туманларда фаолият кўрсатиб келаётган раҳбар ходимлар ўртасида тест синовлари ва сўровномалар ўтказилганда, Андижон шаҳар халқ таълими бўлими ходимларининг 72,5 фоизи, Қибрай туманида ХТБ ходимларининг 70,8 фоизи, мактаб директорларининг 82,7 ва 75,7 фоизи, мактаб илкий бўлим мудириларининг 85,9 ва 50,1 фоизи саволларга тўғри жавоб бериб, хар хил тайёргарликларга эга эканликларини кўрсатдилар.

(Давоми 2-бетда)

МОНИТОРИНГ: КУЗАТУВ, ТАҲЛИЛ, НАТИЖА

Faollar yig'ilishida

хат-хабарлар келиб турибди. Бу нимани билдиради? Демакки, туманларда тузилган тадбирлар аниқ мақсад сари йўналтирилмапти, фуқаролар тақлифлари ўрганилмапти. Ҳали туманлар мутасаддилари

Saylov va yoshlar

МЕН ИЛК БОР ОВОЗ БЕРАМАН

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Олий Мажлис депутатлигига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар тайинланганидан буюн маълум вақт ўтди. Ватанимизнинг, халқимизнинг эртанги кун тақдирини ана шу сайловлар билан чамбарчас боғлиқ. Аҳолисининг асосий қисминини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистонимизда ўтказиладиган сайловларда ёшларнинг, хусусан, илк бор овоз бераётган сайловчилар - ТошДуда таҳсил олаётган талабаларнинг фикрлари ҳам кўпчиликни бефарқ қолдирмас керак. Соҳида ўрозбоева, сийбасатшунослик факультети талабаси:

Мен мактабда ўқиб юрган пайтларимда сайлов тўғрисида камроқ тўшунчага эга эдим. Кейинчалик, яъни сайлов ёшига етиб унинг нима эканлигини ва жамият ҳаётдаги аҳамиятини тўлиқ англадим. Ўз овозимни бериш мен учун катта аҳамиятга эга. Хар бир сайловчининг ўз ўрни бор. Овоз бераётган одам виждондан, мен кимга овоз бераяман, деган саволга жавоб топиб сайлашни керак. Фарход Жўраев, журналистика факультети талабаси: - Сайловда киши хоҳлаган одамга овоз беради. Фуқаро 18 ёшга етганда алоҳида қобилияти ва мустақил фикри шаклланади. Хар бир сайловчи сайловда ўзи иштирок этиб, ҳам ҳуқуқий, ҳам инсоний жиҳатдан овоз бериши керак. У ўзи овоз бераётган одамни яқиндан таниши, жамият тараққиётига қўшган ҳиссасини билиши керак. Шундагина сайлов ҳаққоний бўлади.

(Давоми 2-бетда)

ҚИРГИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ ХУСУСИДА

Ўтган кунги Ўш вилоятининг Боткен, Чўн Олой ва Қадамжой туманларида жиддий ўзгариш бўлмади. Жангариларнинг асосий гуруҳлари Ҳўжа Очкан қишлоғи яқинида тўпланган. Уларнинг истеҳкомлари Ҳўжа Очканнинг жануби-ғарби ва жануби-шарқиди, яъни Шудман, Арча Боши, Юқори Жили Суу ва Қуйи Жили Сууда жойлашган. Қирғизистон қўшинларининг бўлиmlарини таркиби тўлдирилган, улар жойлашган ерларда ўзгарган вазият ҳисобга олиниб, жанговар ҳаракатларни амалга ошириш тактикаси пухталаштирилмоқда. Зардоли қишлоғида Қирғизистон Республикаси харбий бўлиmlарини ўзлари эгаллаб турган жойда истеҳкомларни мустаҳкамламоқда, шунингдек, ўт очиш тизимини ташкил этиш ва бошқа бўлиmlар билан баҳамжихат ҳаракат қилишга доир тадбирларни амалга оширмоқда. Маҳаллий аҳоли вакилларининг

хабар қилишича, Тожикистон Республикасининг чегарадош ҳудудидан Қирғизистонда қишлоғи қолган террорчилар учун озик-овқат ва зарур анжомлар келтирилмоқда. Уларга ўзларини танитмаслик учун маҳаллий аҳоли орасида яширинишга кўрсатма берилган. Қочқинлар Қадамжой туманидан доимий истикомат жойларига қайтиб келишди. Боткен туманида қочқинлар 3379 кишини ташкил этади. Бизнинг харбий хизматчиларимиз Ватанимиз чегараларини хушёрлик билан қўриқлаб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон билан давлат чегараси қучайтирилган тартибда қўриқланмоқда. Ўзбекистон Қуролли қучларининг бўлиmlарини ўз касб маҳоратини ва жанговар тайёргарлигини оширишга доир режаларни тадбирлар билан шугулланмоқда.

Н. МУҲАММАДИЕВ. (ЎЗА)

Янги топилма

Кадимшунос олимлар Германияда Миндена шаҳри атрофидан йирик динозавр суякларини топишди. Қалин қум оралигида қўмилиб қолган бу топилмалар орадан минг-минг йиллар ўтган бўлса-да, яхши сақланган. Мутахассислар аини кунгача суяклардан динозаврнинг пастки жағини тиклашга эришдилар.

ҚУЁШГА ЯҚИНЛАШМОҚДА

Ер Қуёш атрофида доимий бир хил масофада айланиб турмас экан. Американик мутахассислар томонидан Миррих сайёрасига йўналтирилган «Викинг» қурилмасининг радиоўлчов асбоблари сайёрамиз хар бир айланмида йилда 40-50 газ, Миррих 100 газдан ошироқ масофада Қуёшга яқинлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

ТЕЖАМКОР АВТОМОБИЛ

Япониянинг «Мицубиси моторз» компанияси мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилган янги автомобиль ўз тежамкорлиги билан рекорд натижага эришди. «Пистатио» деб номланган ушбу машина бир литр ёқилғи билан 30 километрлик масофага бора олади.

ЭНГ СЕРМАҲСУЛ ИЖОДКОР

Эндиликда дунёдаги энг сермахсул ижодкор Жюль Верн ёхуд Жорж Сименон эмас, инглиз ёзувчиси Барбара Картленддир. Картленд романининг бугунгача ёзган романлари 681 та бўлиб, 650 миллиондан зиёд нусхада chop этилган. 96 ёшли ижодкор ҳозир ҳам янги роман устида ишлаётган экан.





Xullas...

ТУМАН ТУФАЙЛИ

Автомобил ҳалокатлари фақат спиртли халокатли истеъмо килиш билан боғлиқ эмас. Хайдоқнинг тормоқ беролми қилиши ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин.

Ташкилотнинг рўйсати бор аҳолининг соғлиқ даражаси, миллатнинг саводхонлиги, фуқароларнинг харидорлик қобилияти, маданий ютуқлари...

БАЛАНД ДОРГА ОСИЛ!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг рўйсати бор аҳолининг соғлиқ даражаси, миллатнинг саводхонлиги, фуқароларнинг харидорлик қобилияти, маданий ютуқлари...

9 РАҚАМИ КЎРШОВИДА

Ана шу рақамни қула тугилган шахсларнинг аксарияти буюк.

Исми-шарифи Николас Стевен Уэлл деб қайд қилинган чаклоқ 1999 йилнинг 9 сентябрда кузга соғат 9 дақиқа утганда туғилган келди.

Шифокорлар эса 9 рақами кўришда туғилган гудак буюк шахс бўлиб вояга етиши ҳақида фикр билдиришди.

КАРИБ КУЮЛМАГАНЛАР

Турмуш кўришганига 50 йил тулганлигини нишонламоқчи бўлган кишеневлик чоқкампиралининг ҳонадонини човар-човарларга тушиб кетди.

ana shunaqa gaplar...

1995 йил 5 декабрда қорхона ва муассасаларни қайд қилиш давлат статистика органи томонидан ТошДУ қошида С.Х.Сирожиддин номидаги илмий-тадқиқот хужжатлик юртимчи субъекти сифатида ҳукумат рўйсатида киритилганлиги ҳақидаги гўёҳнома йўқотилганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент геологик кидирув техникуми томонидан 1990 йилда Меликулов Норкул Нурмагомедов номида берилган НТ-121977 рақамли урта-маъмури туғилганлиги Диплом йўқотилганлиги сабабли бекор қилинди.

Тошкент геологик кидирув техникуми томонидан 1990 йилда Меликулов Норкул Нурмагомедов номида берилган НТ-121977 рақамли урта-маъмури туғилганлиги Диплом йўқотилганлиги сабабли бекор қилинди.

Узбекистон Республикаси Олий ва урта маъсу таълим вазирлиги, Урта маъсу, касб-хуна таълим вазирлиги ва маърифат бўғами 3-сон касб-хуна мактаби директори Шавкат СОДИҚОВнинг бевақт вафоти муносабати билан ўзбекистондаги таълим ишхори қилиди.

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси ҳамда туман қасаба уюшмалари Сирғали тумани қасаба уюшмаси раиси Гўштуба Тўлқун Тўлқуновга ўзги ТЕМУР АХМЕДЖОНОВнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия ишхори қилиди.

Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150, Г-0821. Тиражи 23762. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тираж. Өдсөт усулида босилган, қороз бичими А-2.

АЗАМАТ — АЛПОМИШ

Машхур каратэчимиз, республика чемпиони, қатор халқаро турнирлар совриндори Азамат Али Қаландаров янги суратта олинётган «Алпомиш» фильмида бош ролни ижро этмоқда.

РУСТАМ КУМУШ МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Ереванда бўлиб ўтган шахмат бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон биринчилигида Рустам Қосимжонов иккинчи ўринни эгаллади.

БОЙ ТЕННИСЧИ ХОНИМАР

Яқинда бўлиб ўтган мусобақада голиб бўлган Серена Уильямс 900000 доллар миқдордаги мукофотни қўлга киритди.

БАҲСЛАР ЯКУНЛАНДИ

Бишкекда бўлиб ўтган 3-Марказий Осиё ўйналарида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни қўлга киритишди.

АРТУР ЯНА РИНГДА

Бугун Германиянинг Оберхаузен шаҳрида Артур Григорян 9-мартаба жаҳон чемпионлиги унвонини ҳимоя қилиш учун рингга чиқади.

РЕСПУБЛИКА ЁШЛАРИ ДИҚҚАТИГА! НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қошида пулли - шартнома асосида фаолият кўрсатувчи «Ҳисоблаш техникаси оператори», «Муסיқа машғулотларини олиб борувчи репетитор», «Олий ўқув юртиларига кириш учун тайёрлов» курсларига тингловчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3. Шартномада белгиланган миқдордаги маблағнинг университет ҳисобига ўтказилганлиги ҳақидаги варақа (квитанция).

Ўқиш муддати: «Ҳисоблаш техникаси оператори» курси - 3 ой.

«Муסיқа машғулотларини олиб борувчи репетитор» курси - 9 ой

«Олий ўқув юртиларига кириш учун тайёрлов» курси - 9 ой.

Хужжатлар 1999 йил 10 октябрдан қабул қилинади.

Ўқишлар 1999 йил 1 ноябрдан бошланади.

Касб-хуна эгаллашга шошилинг! Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 55-55-68, 55-50-77, 55-50-92.

РЕКТОРАТ

Касалнинг тури кулиги ҳамага маълум. Кейинги 10-15 йил ичида улар каторига аллергия деган хасталик (аллергия тумов, пичан иситмаси - поллиноз, бронхит астма, тери, озиқ-овқат, дори-дармон препаратлари, кимевий моддалар аллергиялари) қўшилиб ва уларнинг тез-тез ҳудуд кенг тарқалиши бугун дунё тиббиёт ҳодимларини ташвишга солимоқда.

Аслида инсонларда озиқ-овқат аллергияси оқибатида келиб чиқадиган аллергия хасталикларига сабаб бўладиган омиллар кўп бўлиб, инсон организмидеги ҳар хил ўткир ёки сурункали хасталиклар (медиа-инчак, жигар, ут пўфати, гижжа ва б.) ҳам шунлар сирасига кириши аниқланган.

Терининг маълум қисмида - лабда, қовоқ устида, бўйин ва пешонада, бошининг сочили тисилда, бурунда ҳамда юмшоқ тилга, тилда, ҳаққумда, болочма безларда пайдо бўладиган ириқ-йирик тошмалар (кинка шини) ҳар хил аллергиялар тасиринда ҳосил бўлиб, аллергия хуружнинг оғир бўлиши озиқ-овқат аллергиясининг олдини олишда муҳим урин тушушини унутманг.

4. Табиат, иқлим, атмосфер муҳит, сув, ҳаво муассофлиги экологияси, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, уй-жойларнинг, кийим-кечакларининг содда тутилиши ва бошқалар ҳам олдинги хасталикларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини эсда сақланг.

5. Аёллар ҳомиладорлик даврида ва бола эмизилик вақтида ута эҳтиёткор бўлишлари зарур. Чунки кукрак сути берилмай, суний оқатлар билан боқилганда болаларда турли аллергия хасталиклар кўпроқ учрайди. Шунинг учун эмалдан болани 2 йилгача она сути билан оқатлантириш керак.

6. Болаларни ва ушунгизни ортиқча оқат ейтидиган тийинг. Шакар, конфетлар, асал ва бошқа ширинликлар, спиртли ичимликлар иччи, тамаки ва нос кечки оқат аллергиясини фаволдинги кучайтириши унутманг.

7. Мева ва сабзотларни тоза ювиб, пишириб истеъмол қилиш, угуноларни, аички, шур таомларни чегаралаб, кўпроқ усимлик егизла тайёрланган оқатларни тановул қилиш максалда мувофиқ.

8. Ҳар бир инсон от гушти, кази, қолбаса, сумалк, асал, шафтоли, гушт, ошқовоқ, енгюк, болдом, тарвуз, исмаюк, сомсаи каби микробга туғри келмайдиган озиқ-овқатларни тартибиз истеъмол қилишдан узини тийиши лозим. Чунки улар ҳам оқат аллергиясига сабаб бўлувчи асосий омиллардан ҳисобланади.

9. Ҳар кун умумий ванна еки қорқиз (иттиканка) ут еки бироз калий перманганат (марганцовка) кристалли солинган ваннани 2 марта қабул қилиш таъсия этилади.

10. Ҳозирги кунда ҳар бир поликлиника ва касалхоналарда аллергиялог шифокорлар ишлашади, айримларда эса аллергиялог марказлари мавжуд. Шунинг учун бироз аллергия хасталигини уйрасангиз, асло у биланнингиз даволашга йўналтириш керак. Ҳар қандай дарди даволашга қараганда, унинг олдини олиш осонроқ эканлигини унутманг, дарров аллергиялог шифокорга мурожаат қилинг!

Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент



Кенжабек ЖУРАЕВ

ситети проректори вицефасида меҳнат қилади. Муслина она ушбу университетда ўтказилган бир анжуманда қатнашиб, сузга чиққалигини яхши эслайди. «Уша анжуман минбаридан туриб, Узбекистонда аёлларга эътибор жуда кучли эканлигини ва Юрбошимиз Ислам Каримов томонидан 1999 йил - Аёллар йили деб эълон қилинганлигини айтганимда, эада утирган бир неча минг одам уридан туриб бу сиеасатни узоқ муддат қарасак чапи олқилладилар. Шунда кувончдан кузларимга ёп келиб кетди», - дейди ая.

Бугунги кунда фарзандлари неваралари эҳтиромиде ва юзлаб шогирдлари эътиборида кескалик тағшини суратан биринчи ўқувчимиз Муслина Жалиловага қўзатиб улайман: инсон умрининг мазмуни унинг узгаларга улашган меҳри ва саховатида экан.

УМР МАЗМУНИ

1968 йил сентябрининг илк кунлари кунадай қамалди. Даламлар кўлимди эстаблб Жиззах шаҳрининг Алишер Навоий номидаги 3-мактабга бошлаб бордилар. Шу кундан бошлаб Муслина она Жалилова кулида таҳсил ола бошладим. Мактабда кечган ун йиллик умрим давомида бошқа ўқувчилар сингари мен ҳам муаллимларга қаттиқ меҳр қўйиб қолдим ва ҳали-ҳануз бу меҳр юрагимни тарк этгани йук.

Муслина она биз шогирдлари меҳрини ўз болажонлиги ва билимдонлиги тўғрисида кўзланган аёллар. Зеро, у кишининг шогирдлари орасида кўзлаб илм-фан ходимлари, малакали мутахассислар етишиб чиққалиги бежиз эмас.

Муслина Жалилова урта маълумот олча, Самарқанд Давлат педагогика институтиде сирдан таҳсил олиш билан бирга мактабда дарс бера бошладди. Иккинчи жаҳон уруши кечатган доғали бир пайтда, 1943 йилда Муслина она йўлланма билан Жиззах шаҳрига ишга юборилди. Излашувчан муаллимнинг Жиззах шаҳрининг бир неча мактабларида кечган фаолияти, айтиш мумкинки, жуда самарали бўлди. Муслина она тажрибали ўқувчи сифатида ном қозонди. Шогирдлари бирин-кетин олий ўқув даргоҳларига талабалikka қабул қилина бошладди.

Муслина онанинг болажонлигига узим ҳам кўп бор гувоҳ бўлганман. 1968 йилнинг киши жуда қаттиқ келгани. Ушанда киши буйи ўқувчимиз ҳар бир ўқувчисини қийинтириб, уйига-ча кузатиб қуйишни қанда қилмаган эдилар. Ўқувчимизнинг билимдонлиги, ўқувчилар билан ишлай олиш қобилияти юксалиги ҳусусида ҳам қаттиқ бил қўзғишимни айтиб ўтсам. Муслина она бизга өзувин ургатар экан, ҳар бир ўқувчининг қулидан ушлаб эдилар, ҳар биримиз билан алоҳида-алоҳида ишлар эди. Шунданмикин, синфимиздаги ўқувчиларнинг өзувлари жудаям бир-бирига ушлаб кетар, дегарли фарқ қилмас эди. Муаллимимиз өзувимиз ушлашиб кетганидек, барча болаларнинг фанларини ўзлаштириши ҳам бир хил бўлишига иштирдилар.

Муслина она нафақат зукко муаллимга, шу билан бирга меҳрибон она ҳам эди. Бугунги кунда у кишининг фарзандлари ва неваралари ҳам турли жойларда калк мафазати йўлида меҳнат қилмоқдалар. Муслина она, айниқса, фарзандларининг илм йўлида куратаётган фаолиятларига алоҳида хайрихолик билан қарайди. У кишининг бош фарзанди Пуллажон Аббосов техника фанлари доктори, академик бўлган. Қизи Комила она Домононов номида Москва Давлат университетини имтиезли диплом билан тугатиб, ҳозирда Россиядаги «Туро» халқаро универ-



ТАШАББУСКОР ЖАМОА

Пойтахтнинг Мирзо Улугбек туманидаги 493-болалар богчасига қадм ранжиде қилишнингиз билан бу ердаги ўзига ҳос тароват, шарқона гўзаллик, миллийликни кўриб дилингиз айраб, қўзғингиз қувончга тўлади.

Макур ширинтойлар масканида 10 та гуруҳ мавжуд бўлиб, уларда 246 нафар ҳажжи уйи-кизи тарбияланишаётди. Богчада маънавият ва маърифат ҳамда экологик йўналиш бўйича таълим-тарбия ишлари амалга оширилаётди.

Шу боис ҳар бир гуруҳга қиравермида маънавият ва маърифат бурчаги, экология оид бурчақлар мавжуд. Шунингдек, Давлатимиз герби, байроги, мадҳияси осиб қўйилган. Булардан ташқари дилбандларнинг тарбиячилари билан ҳамкорликда тиккан миллий либослари, ранг-баранг чизилган табиат манзаралари мавжуд. Болалар гул-шанида миллий хона, жисмоний тарбия, муסיқа хоналари қичқинтир хизматда.

Кичкинтойлар масканида, дейди богча мудириси Гузал Исмомилова, - инглиз тили, футбол, волейбол, теннис ва сузаш тўғрисидаги мунтазам фаолият кўрсатишмоқда. Шароит яхши бўлганлиги сабабли богчамизга шаҳарнинг дегарли барча туманларидан болалар ташриф буюрадлар. Услубчи Лола Йўлдошева бошчилигида тарбиячилар ҳовлидаги турфа гуллар, мева-ли ва маънавий дарахтларини ўзлари экиб, парварши қилаётдилар.

Богча жамоаси болаларни мактабга тайёрлаш борасида ҳам намунали иш олиб бораётди. Улар 148-мактаб бошланғич синф ўқитувчилари билан ҳамкорликда уратганлар. Дилфуза Тожиева, Азиза Хасанова, Елена Зверова, Санобар Жўраева сингари тажрибали, болажон тарбиячилар бу борарда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Жамоанинг навабатида вазафадаридан бири богчада компьютер хоналари ҳамда соғломлаштириш гуруҳини ташкил этишдан иборат.

Ҳа, бутун имконияти, қўзғилиши, ташаббускорлигини фарзандларимиз таълим-тарбиясига бағишлаган ана шундай меҳрибон мураббийлар сафи кенгайверсин.

Суратларда: Болалар богчасидан лавҳалар.

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АХМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (маъсул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўрможон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулқар ТҮЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳатир ҚОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютериде Малоҳат ТОШОВА саҳифаллади. Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нурлан УСМОНОВ

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150, Г-0821. Тиражи 23762. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма тираж. Өдсөт усулида босилган, қороз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Боснига тошириши вақти - 20.00. Тоширилади - 20.00.